



MULTILATERAL DIPLOMACY - A CURRENT FORM OF DIPLOMACY

M.A. Alisherkhojaeva

Researcher

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: xubsurat@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: diplomacy, multilateral diplomacy, foreign policy, modern international system, international organizations, UN, UNESCO.

Received: 14.05.22

Accepted: 16.05.22

Published: 18.05.22

Abstract: This scientific article reveals the essence, features, as well as the most important aspects of multilateral diplomacy, which is the most relevant in the foreign policy of states in today's complex, diverse international environment. Today, any threat or issue involves cooperation - it is important to study multilateral diplomacy, which is both modern and traditional. The purpose of the article is to fully reveal multilateral diplomacy through the definitions put forward by various scientists, and to consider its functions in terminology.

КЎП ТОМОНЛАМА ДИПЛОМАТИЯ – ДИПЛОМАТИЯНИНГ ДОЛЗАРБ ШАКЛИ

М.А. Алишерхўжаева

Тадқиқотчи

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: xubsurat@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: дипломатия, кўп томонлама дипломатия, ташқи сиёсат, замонавий халқаро тизим, халқаро ташкилотлар, БМТ, ЮНЕСКО.

Аннотация: Мазкур илмий мақолада, ҳозирги мураккаб, ранг баранг халқаро вазиятда давлатларнинг ташқи сиёсатида энг долзарб ҳисобланмиш кўп томонлама дипломатиянинг моҳияти, хусусиятлари ва шунингдек, энг муҳим жиҳатлари очиб берилди. Рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликлар – дунё давлатларининг барчасига таалукли экани ва ҳар қандай таҳдид ёки масала ўзаро ҳамкорликни назарда тутишини ҳисобга олган ҳолда,

ҳам замонавий ҳам анъанавий
 ҳисобланмиш кўп томонлама
 дипломатияни илмий ўрганиш муҳим
 ҳисобланади. Мақоланинг мақсадини кўп
 томонлама дипломатияни турли олимлар
 тарафидан илгари сурилган таърифлар
 орқали тўлиқ очиқ бериш ва унинг
 истилоҳдаги вазифаларини кўриб
 чиқишдан иборат.

МНОГОСТОРОННЯЯ ДИПЛОМАТИЯ — СОВРЕМЕННАЯ ФОРМА ДИПЛОМАТИИ

М.А. Алишерходжаева

Исследователь

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: xubsurat@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: дипломатия, многосторонняя дипломатия, внешняя политика, современная международная система, международные организации, ООН, ЮНЕСКО.

Аннотация: В данной научной статье раскрываются сущность, особенности, а также важнейшие аспекты многосторонней дипломатии, которая является наиболее актуальной во внешней политике государств в современной сложной, многообразной международной обстановке. Сегодня, любая угроза или вопрос предполагает сотрудничество — важно изучать многостороннюю дипломатию, которая является как современной, так и традиционной. Цель статьи — полностью раскрыть многостороннюю дипломатию через дефиниции, выдвинутые различными учёными, и рассмотреть её функции в терминологии.

КИРИШ

Дипломатиянинг бугунги кунда энг долзарб шакли бўлмиш кўп томонлама дипломатиянинг вужудга келиши, унинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади. Маълумки, ҳар қандай давлат ташки сийёсати унинг бошқа давлатлар билан алоқаларида, олиб боровчи икки томонлама муносабатларида кўринади, бироқ сўнгги пайтларда дунёнинг полицентрик тартиботи тенденцияси тобора ривожланаётгани (тартибот борасида ҳозирги кунда жадал бахслар олиб борилаётгани, айниқса сўнгги воқеа ҳодисалар таъсирида мазкур фикрга бутунлай қарама қарши баҳо берилаётгани маълум. Аммо, ўзаро ҳурмат, халқаро ҳуқуқ нормалари ва давлатларнинг тенглиги принципи ҳамон ўз кучида эканлигини рад этиб бўлмайди.) давлатларнинг ташкилотлар доирасидаги

кўп томонлама ҳамкорлигини жадаллаштираяпти. Умуман, охириги 10 йилликнинг сўнги давр халқаро ҳолати турли янги ходисаларга бой бўлгани, йирик ўзгаришлар билан лиммо-лим ҳолатда экани дунё давлатларининг барчасига таалукли экани ва тегишлича ечимларнинг ҳам давлатлар даражасидаги жамоавийликни тақозо қилиши аниқдир. Яъни универсал масалалар, табиийки, универсал ечимларни талаб қилади.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдек минтақада жойлашгани, минтақанинг фаол дипломатик алоқаларни юритишга интилиши, шу билан бирга, минтақанинг эса турли манфаатлар нуқтаси экани ҳам кўптомонлама алоқаларнинг, шунингдек, дипломатиянинг ушбу шакли бўйича тадқиқотларнинг принципиал аҳамиятини кўрсатади.

Ҳар қандай давлат учун тинчлик энг қадрли мезон эканлиги маълум. Уруш ҳолатларининг талофоти ва бир эмас бир неча юзлаб соҳаларга бериши мумкин бўлган зарарларининг ҳисоби йўқ. Демак, давлатнинг фаровонлиги ҳамда давомли равишда ривожланиши учун урушни бутунлай истисно этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Кўплаб адабиётларда дипломатияни айнан шу муҳим вазифани амалга оширишнинг асосий воситаси эканлиги келтирилади. Шу сабабли, моҳияти ва истилоҳда жуда кенг ҳисобланувчи кўп томонлама дипломатия феноменининг аниқ таърифларини келтириб, уни тадқиқ этишнинг назарий жиҳатларини ўрганиб чиқиш тўғри кетма-кетлик бўлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Қадимдан урушлар ва босқинчиликлардан кўра дипломатияни афзал билингани сабаби – унинг кучлироқ ҳодиса эканлиги туфайлидир. Масалан, Г. Ҳидоятлов, дипломатияни, илк суверен давлатлар ташкил топиши билан юзага келганини таъкидлаб, ўзаро муносабатларда асосан урушлар ёки ўз давлатининг кейинги ривожини учун бошқа давлатни турли хилларда талон-тарож қилишлик ҳукмрон бўлган бир даврда – ўзаро ҳамкорликнинг анча устун эканини тушунишларидан бошлаб, муносабатларнинг чинакам воситаси сифатида тус олганини ёзади[1]. Қолайверса, маданий ривожланиш, санъатга қизиқишнинг уйғониши, қисқаси – цивилизация деб номланувчи даврнинг илк шаклланиш босқичида, албатта янгиликларни ҳамда бошқа ҳудуддаги ана шундай ривожланишнинг ютуқларини ўзларига жалб қилиш, бўлишиш, ўзаро алмашинув йўллари оча бошлайди.

Замон ва макон талабларига кўра дипломатия ҳам кенгайиб, турлари кўпайиб бораётгани маълум. Асли гуманитар соҳада замонавий тушунчасининг ўзи шартли эканини ҳам келтириб ўтиш жоиздир. Агар шу соҳага оид адабиётлар ёки воқеа-ҳодисаларни кузатилса қайси даврга оид бўлмасин, ўша пайтда уни “замонавий” деб берилади. Яъни ҳар қайси давр учун “замонавий” тушунчаси мослашувчан ва доимий динамикадаги сифатни ифодаловчи ҳисобланади. Демак, дипломатиянинг ҳам янги

турлари айнан даврга мослашиш, давр билан ҳамнафас равишда фаолият юритишнинг шартидир, фикримизча. Энг аввало давлатлараро муносабатларни мустахкамлашга, турли масалаларда энг мақбул йўлни топишга мақсад қилган ушбу соҳанинг юқорида келтириб ўтилганидек рақамли, маданий, оммавий(баъзи адабиётларда буларни барини оммавий эканини таъкидлайдилар), иқтисодий, кўп томонлама, парламент, минтақавий, ҳарбий, халқ дипломатияси ва бошқа турлари фаоллашаётир. Ва таъкидлаганимиздек, булар барчасини – асосий мақсади – муносабатларни илтиш, жадаллаштириш, ташқи сиёсий мақсадларни амалга ошириш, манфаатларни ҳимоя қилиш ҳисобланган дипломатиянинг воситалари сифатида ҳам кўриш мумкин. Хориж адабиётларидан, дипломатиянинг айнан моҳияти, хусусияти ва шу билан бирга унинг халқаро муносабатлардаги ўрни ҳақида баён этилган “Дипломатиянинг моҳияти(Essence of diplomacy)” китобида, дипломатиянинг халқаро муносабатлар соҳасида асосан уч шакли, мулоқот, вакиллик, халқаро ҳамжамиятни ташкил этишда намоён бўлишини келтирилган[2]. Унинг шакллари фикримизча, дипломатиянинг юқорида келтириб ўтилган янги/замонавий турларининг ҳам асл моҳияти ва вазифаларини очиб беради.

Шу ўринда дипломатиянинг дунё тинчлик маданияти воситаси ролини унинг асл моҳиятларидан бирини очиб беришини келтириб ўтиш мумкин. Масалан, кўп томонлама дипломатия – айнан халқаро ҳамжамиятни ташкил этувчи асосий восита эканлиги яққол кўринади шу ерда.

Дипломатияни, давлат томонидан унинг ташқи сиёсатини амалга оширишдаги тинчлик воситалари ва фаолият турлари эканлигидан келиб чиқиб, кўп томонлама дипломатия бу – ташқи сиёсатни халқаро ташкилотлар ва давлатлараро уюшмаларда амалга ошириш дея келтириб ўтади С. Шарапова[3], шу нуқтаи назардан кўп томонлама дипломатияни, биз, халқаро муносабатлар субъекти ёки актори ҳисобланмиш халқаро ташкилотларнинг энг бирламчи воситаси эканлигини келтириб ўтишни жоиз деб биламиз. Тегишлича, кўп томонлама дипломатия уч ва ундан ортиқ давлатларнинг муайян масала ёки масалалар юзасидан халқаро, ҳукуматлараро ташкилотлар ва бирлашмалардаги иштироки, фаолиятини англатади[4].

Замонавий дипломатия модели аслида, кўп томонлама дипломатия модели асосида шаклланишини илгари сурган Т.В. Зонова, кучлар мувозанати кўп томонлама келишувларни тақозо этишини келтириб ўтади. Кўп томонлама дипломатиянинг илк кўриниши ва энг ёрқин мисоли сифатида 1648 йилдаги Вестфал дунёсининг бир неча тайёргарлик йилларини келтириб ўтади[5].

Кўп томонлама дипломатия қадимдан мавжуд бўлиб, олимларнинг мисол келтиришича, кўп томонлама муносабатларда умумий нуқтаси мавжуд бўлган давлатлар

ҳамкорлиги кўзга ташланган. Масалан, бу қадимда одатлар ёки ягона динга эътиқод қилувчи давлатларнинг алоқаларида ёрқинроқ кузатилган. Аммо шу билан бирга диннинг таъсирида келишмовчиликлар ўчоқларининг ҳам вужудга келгани кўп томонлама дипломатиянинг ривожини учун қулай шароитни келтириб чиқармаган.

Шиддат билан ўзгараётган бугунги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият бутун дунё мамлакатларининг ҳамжиҳатликда иш олиб боришини тақозо этмоқда. Хусусан, дунёнинг янги пандемия даври – унинг кўрсатган таъсири ва келгусидаги асоратлари муайян тартиботлар ёки мавжуд бўлган шароитларнинг барини ўзгартиргани, бутунлай янги ёндашувларни тақозо этаётгани бунинг исботидир. Қолайверса, доимий мавжуд бўлган масала ва таҳдидларнинг ҳам хали ҳамон ўз кучида эканлигини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Масалан, глобаллашув жараёни – ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни ҳамда транспорт ва телекоммуникация алоқаларини ривожлантиришни, умуман, ҳамкорликнинг барча шакллари ривожлантиришни тақозо этади. Террорчилик, экстремизм, қурол-яроғ контрабандасининг, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишни, саводсизлик ва очлик каби тараққиётнинг йўлтўсарлари ҳисобланувчи барча турдаги масалаларни биргаликда, умумий ечимлар билан ҳал этишни, сиёсий алоқаларни янада ривожлантиришни талаб қилмоқда. Сабаби – санаб ўтилган муаммоларнинг ўзаро боғлиқлиги ва глобал камровли эканидир.

Алоҳида таъкидланиши лозим бўлган яна бир масала – давлатларнинг халқаро муносабатлардаги ўзаро тенглик ва ўзаро ҳурмат чегарасидаги ҳамкорлигидир. Даврнинг ўзи тақозо этаётган бирдамлик – шубҳасиз, кўп томонлама ҳамкорликнинг эффектив эканлигини, уни янада ривожлантириш чуқур аҳамият касб этаётганлигини кўрсатади. Фикримизча, глобаллашув жараёнини ўзи айнан кўп томонлама дипломатия ва кўп томонлама ҳамкорликни ташкил этувчи жараёндир.

Адабиётларда кўп томонлама дипломатияни Конференцион ва Ташкилотлар доирасида доимий вакиллар иштирокидаги турларга бўлиб, биринчи турдаги дипломатияни ҳам қуйидагиларга ажратилганини кузатиш мумкин:

- Икки томонлама ёки кўп томонлама;
- Оддий ёки махсус;
- Бир масала ёки бир қанча масала бўйича конференциялар;
- Тайинланган котиб билан ёки котибсиз;
- Ўзаро маълумотлар алмашинуви учун ёки келишувларни ишлаб чиқиш учун;
- Ошқоралик даражасига кўра: Очiq (ОАВ иштирокида) ёки ярим очiq ёки ёпиқ кабиларга[6].

Шу билан бирга, кўп томонлама дипломатининг икки турига ҳам хос бўлган ушбу даражаларни кўрсатиб ўтиш мумкин, бу уларнинг глобал, минтақавий даражадаги ва минтакалар аро даражадагилардир. Кўп томонлама дипломатия мураккаб, бир бутун тизим сифатида бир қатор унсурларни ўзида мужассам этади.

1. Давлатлар(ёки Давлат вакиллари)
2. Халқаро ташкилотлар ва конференциялар
3. Умумий мақсадлар
4. Манфаатлар
5. Глобал/минтақавий/махсус муаммо ва масалалар
6. Халқаро ҳуқуқ нормалари

7. Халқаро шартнома, келишув, пакт, резолюция, таклиф кабиларни элементлар сифатида келтириб ўтиш мумкин. Шу ўринда, охириги воқеа ҳодисалар, тиним билмай ўзгараётган халқаро вазиятдан келиб чиққан ҳолда – *халқаро ўзаро ҳурмат ва тенглик принциплари*га амал қилмаслик рўй бераётган кўплаб низоли ҳолатларнинг сабаби эканлигини тобора кузатиб бораёпмиз.

Давлатлар ўзаро ҳамкорлигида дипломатия соҳаси асосий восита ҳисобланади. Дипломатиянинг сўнгги йилларда энг долзарб шакли кўп томонлама дипломатия бўлиб, давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, умумий мақсад ва муаммоларни ечимини энг мақбул шаклини ишлаб чиқиш книнг бевосита вазифасига киради. Ва бу жараёнда давлатларнинг, улар вакиллари моҳирлиги, ўз ишидаги устомонлиги муҳим жиҳат ҳисобланади.

Халқаро ташкилотлар – биз кўриб чиқаётган дипломатия шаклини амалга ошириш майдони ҳисобланади. Халқаро ташкилотлар кўлами, мақсади, хусусиятларига кўра фарқланади. Бу ерда хусусияти деб, унинг қайси соҳаларда яқиндан ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида тузилгани ҳақида гап кетяпти. Масалан – БМТнинг фан, таълим, маданият соҳасидаги ихтисослаштирилган ташкилоти – ЮНЕСКО. Ташкилотлар доимий ва шунингдек вакилларнинг доимийлиги мақоми билан характерланса, конференциялар даврий ҳисобланади. Конференциялар муайян масала бўйича ўтказилиб турилади ва тегишлича иштирокчилари ва давлатлар вакиллари нуқтаи назаридан торроқ ҳисобланади.

Умумий мақсадлар – ҳар қандай ҳамкорлик асосан – умумий мақсадлар ва манфаатлар устига қурилади. Ва ҳар қандай давлат, халқаро ҳуқуқ субъектининг асосий мақсади бу унинг давлати яхлитлиги, чегаралари дахлсизлиги каби энг бирламчи принципларнинг амал қилинишидек сиёсий манфаатлар бўлса, давлатнинг умумий ривожини учун аҳамиятли бўлган бир қатор манфаатлар бундан кейинги жойини эгаллайди. Масалан, хавфсизлик, иқтисодий манфаатлар ва хоказолар. Шу туфайли жаҳон сиёсий

майдонидаги ҳеч бир давлат бошқа давлатлар, ташкилотлар билан ўзаро боғлиқлиги, ҳамкорлик ва дипломатик муносабатларга эҳтиёжсиз фаолият юрита олмайди.

ХУЛОСА

Ҳар бир дипломатик алоқа ҳоҳ у икки томонлама бўлсин, ҳоҳ кўп томонлама, шубҳасиз, тегишли қоидалар асосида тартибга солиниши шарт ҳисобланади. Халқаро муносабатларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ бу ерда асосий ролни бажаради. Кўп томонлама дипломатик муносабатларни, ҳамкорликларни халқаро ҳуқуқ принцип ва нормалари, халқаро ташкилотлар ва махсус қоидалар тартибга солади. Эффе́ктив кўп томонлама алоқаларга – доимий равишда – келтириб ўтилган қоидаларга бўйсунуш ва амал қилиш билангина эришилади.

Ўзбекистонда кўп томонлама, ташкилотлар доирасидаги турли соҳаларда ҳамкорлик олиб бориш, қўйилган мақсадларга эришишда дунё тажрибасини таҳлил қилиш ва унинг илмий асосларини яратиш муҳим ҳисобланади. Бу соҳада ўрганилмаган жиҳатлар ва замоннинг талабига кўра янгиланишларни изчил тадқиқ қилиш ва уни ҳаётга тадбиқ қилиниши лозим. Мустақилликка эришилган вақтдан буён ҳамкорлик қилиниб келувчи ташкилотлар бисёр. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан турли долзарб соҳалардаги ҳамкорлиги бунга мисол бўлиб, ушбу ташкилот билан ҳам давлатимиз муносабатлари барча жиҳатларини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш, бугунги кундаги ҳамкорлик ва уни жадаллаштириш бўйича чуқур ўйланган таклифларни шакллантириш – кўп томонлама дипломатиянинг ривожига хизмат қилади. Олимлар томонидан бу муносабатлар маданий, диний ва ҳуқуқий призмадан ўрганилганлигини кўриш мумкин, аммо энг янги давр Ўзбекистоннинг ташкилот билан дипломатияси, ҳамкорлиги борасида тадқиқотлар камлиги, ҳамкорликдаги бир қанча муаммолар бўйича илмий таклифлар ва таҳлиллار етишмаслиги янада кўпроқ ўрганишни талаб этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Хидоятов Г. История дипломатии. Т. 2004. С.7
2. Ch. Jönsson, M. Hall “Essence of diplomacy”. P.5. L-2005.
3. Шарапова С. Ш. Многосторонняя дипломатия Республики Узбекистан: участие в универсальных, региональных и субрегиональных организациях, межгосударственных объединениях. Дисс. на соис. уч. степ. докт. полит. наук. Т.:2006. С.36
4. Зонова Т.В. Дипломатия: модели, формы, методы: учебник для Вузов. М.:Аспект пресс., 2017. С. 108.
5. Sayfullaev, D. (2016). Parliamentary Diplomacy In Making Of Foreign Policy. *The Advance Science Journal of International Relations*, 1(1), 52-54.

6. Sayfullaev, D. B. (2020). CONCEPTUAL BASIS OF THE MODERN WEST AND EAST DIPLOMACY STUDY. *Journal of Legal, Ethical and Regulatory Issues*, 23(2), 1-10.